

ФОНДЛАРНИ БОСМА НАШРЛАР ВА АУДИО МАНБАЛАР БИЛАН БОЙИТИШ



Насиба Холдорова,
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
Ахборот-кутубхона фондларини комплектлаш хизмати раҳбари

Бугунги кунда республикамызда ахборот-кутубхона маркази ҳамда ахборот ресурс маркази статусларига эга кутубхоналар сони кўпайиб, турли хил тоифадаги фойдаланувчиларнинг босма нашрлар ва электрон ресурслардан фойдаланиш имкониятлари борган сари ортиб бормоқда. Шу билан бирга, электрон кўринишдаги адабиётларни яратиш, сақлаш, архивлаш, комплектлаш ва улардан фойдаланиш жараёнларини маълум бир андозалар асосида ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда.

Бу борада, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳам самарали фаолият олиб бормоқда. Миллий кутубхонанинг қулай шарт-шароитлари, фойдаланувчилар учун яратилган барча имкониятлари таҳсинга лойиқ. Миллий кутубхона фонди мунтазам фойдаланувчиларнинг талаб ва таклифлари асосида шакллантирилиб борилмоқда. Ўрнатилган тартибда «Ахборот-кутубхона муассасаларида ахборот-кутубхона ресурсларни ҳисобга олиш

тартиби» тўғрисидаги Йўриқномага асосан (2014 йил 10 март № 2567-сон йўриқнома) ахборот-кутубхона муассасаларига келиб тушган барча турдаги ресурслар ҳисоби юритилади.

Фондларни шакллантириш – ҳужжатларни танлаб олишга йўналтирилган фаолият. Фонд ахборот бериш вазифасини бажарар экан, ахборотни саралаб, танлаб олишни талаб этади. Мамлакатнинг ривожланиши, янги соҳалар барпо бўлиши, интеллектуал салоҳият ошиб бориши натижасида вужудга келаётган янги билим соҳаларини ўз ичига олган ресурсларни мунтазам равишда ахборот-кутубхона муассасалари жамлаб ва фондларни бойитиб борадилар.

Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги қонунининг 10-моддасида «Ўзбекистон Республикасида чиқариладиган нашрларнинг мажбурий нусхасини, шунингдек, диссертацияларнинг кўчирма нусхасини олади» деб кўрсатиб ўтилган. Миллий кутубхонанинг Низоми I бўлим, 6-бандида «Миллий кутубхонанинг нашрларнинг мажбурий нусхасини олиш ҳисобига шакллантириладиган, шунингдек, нодир ва алоҳида қимматли ахборот-кутубхона ресурсларидан иборат бўлган ахборот-кутубхона фонди миллий маданий қадриятлар ҳисобланади ва моддий-маданий мерос объекти сифатида сақланиши керак» деб белгиланган. Шу маънода Миллий кутубхонанинг асосий вазифаларидан бирига ёшларни миллий гоя руҳида тарбиялаш ва уларда мафкураравий иммунитетни шакллантириш, маънавий, маданий меросимизни бус-бутун, тўлиқ ва тўлагича келажак авлодга етказиб бериш қиради. Миллий кутубхонанинг асосий функционал фаолияти йўналишларидан келиб чиқиб белгиланган:

- замонавий, юқори самарали ахборот-коммуникация технологияларидан фойда-



ланган ҳолда, ахборот олишнинг манбаи, шакл ва методларини танлаш имкониятини таъминлаш тамойили асосида аҳолининг, айниқса, ёшларнинг интеллектуал билим, маънавий-ахлоқий ва маданий эҳтиёжларини ҳар томонлама қондириш учун қулай шарт-шароитлар ва кенг ахборот ресурслари базасини яратиш;

- миллий маданиятнинг тикланиши ва янада ривожланишига ҳамда Ўзбекистон халқларининг тарихий, маънавий ва маданий мероси сақланишига кўмаклашиш.

Ахборот-кутубхона фондининг вазифаси кутубхона фаолиятининг асосини ташкил қилади. «Фонд» – немисча «Der Fond» – сўздан олинган бўлиб, «бирор нарсанинг асоси» маъносини билдиради. Ахборот-кутубхона фонди ўзининг белги ва хусусиятига қараб алоҳида тизим сифатида ажралиб туради.

Фондни шакллантиришда комплекшлаш, фондни ташкил этиш, ҳужжатларни ҳисобдан чиқариш ва, шу билан бирга, фондни бошқариш жараёнлари жамланади. Фонднинг асосий белгиларидан бири ундаги ҳужжатлардир. Фонднинг ҳажми ва унинг катталиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Комплекшлаш бу ўта масъулиятли жараён бўлиб, ахборот-кутубхона муассасасига келиб тушган барча турдаги ресурсларнинг тақдири ҳал қилинади.

Дунёда ҳамма нарсанинг ҳисоб-китоби бўлгани каби, «Ахборот-кутубхона муассасаларида ахборот-кутубхона ресурсларини ҳисобга олиш тартиби» тўғрисидаги Йўриқнома асосида фондга келиб тушган барча ҳужжатлар тезкорлик билан ҳисобга олинishi талаб этилади. Ҳар бир келиб тушган ресурсларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда келтирилган ҳисоб бирликлари асосида яқка тартибдаги ва умумий ҳисоби юритилиб, уларга келиб тушиш манбаларига қараб белгиланган нархлар кўйилади. Республикамизда чоп этилган нашрларнинг бепул мажбурий нусхалари келиб тушади, аммо бу бепул нусхаларга ҳам, албатта, нарх кўйиб ҳисобга олиш белгиланган, тегишли ташкилот ва муассасалар ҳамкорлигида ахборот кутубхона ресурсларини баҳолаш ва қайта баҳолаш тартиби тўғрисида меъёрий-ҳуқуқий талабларга жавоб берадиган Йўриқнома ишлаб чиқилса фойдадан холи бўлмас эди. Умумий ҳисобга олиш «Жамланма ҳисоб-китоби»нинг ҳар уч қисмида:

1-қисм – «Ахборот-кутубхона фондига келиб тушган ахборот-кутубхона ресурси»;

2-қисм – «Ахборот-кутубхона фондидан чиқариш»;



3-қисм – «Ахборот-кутубхона фондининг ҳаракати яқунлари»ни ўз ичига олади.

Ахборот-кутубхона ресурсларига яқка тартибда ҳисобга олишда ҳужжатларга фойдаланувчиларнинг фойдаланиш даражасига етказиш учун илмий ва техник ишлов берилди. Илмий ишлов берилганда ресурс қайси соҳага тегишли эканлиги, кимларга мўлжалланганлигини, техник ишлов берилганда штамп, китоб белгилари, ёрлиқлар ёпиштирилади. Улардан бири RFID метка-чиплар ҳисобланиб, бу чиплар айнан ресурсларга берилган инвентар рақамларига бевосита боғланган десак муболага бўлмайди. Бу ўрнатилган чиплар орқали фондларда мавжуд ресурсларнинг қаерда жойлашганлиги ҳақида маълумот олиш мумкин, яъни мутахассислар учун фондларни текширишда яқиндан ёрдам беради.


Яқка тартибда ҳисобга олинган ресурсларга RFID метка-чиплар ўрнатилади.

Бу тизим, ўз навбатида, ахборот-кутубхона муассасаси мутахассисларининг фондларни текшириш жараёнида ёрдамчи сифатидагина эмас, балки ўғирликка қарши тизим сифатида ҳам ёрдам беради.

Ахборот-кутубхона фондларини шакллантириш деганда ахборот-кутубхона фондини вужудга келтириш, фонднинг ихтисослашганлигига ва фойдаланувчиларнинг тоифаларига қараб, қатъий равишда мос келувчи адабиётларни тўхтовсиз келиб туришини таъминлаш, фондга нафақат маданий-маърифий адабиётлар, балки аудио-видео электрон кўринишдаги маълумотлар билан ҳам тўлдириш тушунилади. Фонднинг ҳамма ҳарактерли хусусияти уни шакллантириш дав-

ЗМ – сканери адабиётларни рўйхатга олиш ва инвентаризация қилишда қўлланиладиган восита

«Фонд» – немисча «Der Fond» – сўздан олинган бўлиб, «бирор нарсанинг асоси» маъносини билдиради



RFID
метка-чиплар
айнан ресурсларга
берилган инвентар
рақамларига
бевосита
богланган ва
фондлардаги
мавжуд
ресурсларнинг
қаерда
жойлашганлиги
хақида маълумот
беради

рида бунёдга келади. Фондни шакллантиришдан мақсад уни кутубхонанинг вазифаларига мослаштириш, фойдаланувчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини тўлиқ қондиришдан иборат. Мунтазам шаклланиб бораётган фондни ташкил қилиш учун кутубхона мутахассиси доимо ўз малакасини, билим ва кўникмаларини ошириб бориши лозим.

Фондни шакллантиришнинг бош қондаси, мувофиқлаш, мослаш, мамлакатда нашр этилаётган кўплаб нашрлардан кераклисини танлаб олишни ўргатади. Ахборот-кутубхона ўзининг тури ва хилига, тармоғига фойдаланувчи талаби ва сўровларига мослаб фондни тўлдириб бориши лозим.

Ахборот-кутубхона фондидан фойдаланиш қай даражада бўлишдан қатъий назар, унинг билимлар хазинаси эканлиги ҳақиқатлигича қолади, қайсики, унда инсониятнинг маънавий бойликлари, дурдоналари тўплангандир.

Ҳақиқий ахборот-кутубхона мутахассиси нашрлар уммонидан зарур китобларни тўплаб, ахборот-кутубхоналар фондиди бойитадиган, шу китобларни тартибга келтирадиган ва уларни ўз фойдаланувчисига етказадиган шахсдир.

Мазкур йўналишлар асосида Миллий кутубхона ёшлар билан ишлашда замонавий технологиялардан фойдаланиш масаласига асосий эътиборни қаратган.

Мажбурий нусхалар ҳисоби юритилишини инobatга олиб, ўйлаймизки, барча матбаа ижодиёт уйлари, нашриётлар ва таҳририятлар ўз маҳсулотларининг статистик ҳисоботга киритилиши, шунингдек, келажак авлодга мерос сифатида сақланишини ҳис қилган ҳолда, ўз хулосаларини чиқариб, «Ҳечдан кўра, кеч» деган доно халқимизнинг нақлига амал қилишади деб умид қиламиз. Ўз тарихи ва аждодлар меросини асраган халқнинг келажаги, албатта, порлоқ бўлади.

Насиба Холдорова, руководитель службы комплектования информационно-библиотечных фондов Национальной библиотеки Узбекистана

Целью формирования информационно-библиотечного фонда является достижение соответствия фонда задачам библиотеки и потребностям пользователей.

В работе по комплектованию фонда информационно-библиотечные учреждения не могут не считаться с развитием Республики, появлением новых специальностей, увеличением числа пользователей по отдельным специальностям. Формирование фонда является совокупностью процессов комплектования, организации фонда, исключения документов, а также управления фондами. Учет информационно-библиотечного фонда – совокупность правил и процедур, обеспечивающих регистрацию и обобщение сведений о величине, составе, движении фонда и его стоимости. Учет документов информационно-библиотечного фонда является основой государственной статистики, отчетности и планирования деятельности информационно-библиотечных учреждений, способствует обеспечению сохранности фонда. ■